



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 28 октябрь, шанба

№83 (11.288)

Эркин нархда сотилади

ИМКОНиятлардан Фойдаланиш Керак

Шу йилнинг 27 октябрь куни вилоят ҳокимлигида Тошкент вилоятини 2000 йил тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг «Халқ ҳўжалиги тармоқларини 2000-2001 йил кузги-қишқи мавсумига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорларининг қандай бажарилаётгани ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг умумиқўшма масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоят, шаҳар, туман молия, банк, солиқ тизими раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзакулов бошқарди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Турғунбой Тўлаганов маъруза қилди. Таъкидланганидек, вилоятда 2000 йилнинг тўққиз ойида иқтисодий, ижтимоий ривожланиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Унинг натижаси ўлароқ вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми 11,9 фоизга ортди. Уси суръатлари етакчи тармоқлар — саноатда 111,6 фоизни, қишлоқ ҳўжалигида 112,7 фоизни ташкил этди. Тўққиз ой давомида ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётдаги ўлчами 63,5 миллиард сўмликни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,1 фоиз ортқидир. Бу даврда пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул маблағларини эмиссиясини қисқартириш бўйича олиб боришда амалий чоралар натижасида вилоятда нақд пул тушуми режаси 109,8 фоизга бажарилди. Эмиссия даражаси белгиланган — 3,7 ўрнига — 8,3 фоизга тенг бўлди.

Жорий йилда вилоятда бозор инфратузилмасини шакллантириш, қимматли қўғозлар бозорини ривожлантириш, урта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш, капитал қуришдаги ислохотларни чуқурлаштириш, янги объектларни ишга ту-

жасида эмаслиги танқид қилинди. Айниқса, Бўқа, Чиноз туманларида тўққиз ой давомида корхоналарнинг акциялари умуман сотилмаганлиги ачинарлидир.

Йиғилишда вилоят халқ ҳўжалиги тармоқларини 2000-2001 йиллар қиш мавсумига тайёрлашда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди. Бу масала юзасидан Тошкент вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи Ҳамидулла Аҳмедов маъруза қилди. У асосий эътиборни йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш зарурлигига қаратди. Айниқса, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимлари, турар-жойларни қишга тайёрлаш, аҳолининг иссиқлик, газ, сувга бўлган эҳтиёжини қондириш кечиктириб бўлмас вазифалар эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Мўминов, вилоят давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Мансур Маҳмудов, Бекobod шаҳри ҳокими Жалолиддин Насриддинов, Янгийўлдаги «Биокимм» корхонаси раҳбари Рустам Юсупов, Ангрен шаҳри ҳокими Илҳом Асадов сўзга чиқдилар.

Тўққиз ойлик натижалар чуқур ва атрафли таҳлил этилган ушбу йиғилишда вилоят ҳокими йиғилганлар эътиборини бир масалага алоҳида қаратди. Бу эришилган ижобий ютуқларни мустақкамлаш, камчиликларни бартараф этиш йўлида ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарурлиги эди. Дарҳақиқат, вилоятда ҳамма соҳада янада салмоқли натижаларга эришиш учун куч ҳам, имкониятлар ҳам етарли. Гап ундан тўғри ва самарали фойдаланишдadir.

Йиғилишда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Йиғилишда республика баш вазирининг ўринбосари, Молия вазири — умумиқўшма мажмуаси раҳбари Рустам Азимов иштирок этди.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Республика хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломов бошқарди.

Маълумки, 1999 йилда мамлакатимиз Президентининг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Уша йили хотин-қизлар байрами арафасида бу юксак мукофотга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан адабиёт, санъат, илм-фан, маданият ва таълим соҳасида катта ютуқларга эришган йигирма беш ёшгача бўлган ўн тўрт қиз муносиб топилган эди.

Йиғилишда таъкидланганидек, жойлардаги жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи махсус комиссиялар томонидан бу йил ҳам мукофотга муносиб номзодларни топиш ва таъсис этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хозирда танловнинг биринчи босқичи — мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрлари ҳамда корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда ўтказилди. Энди танловнинг иккинчи — вилоят босқичи бўлиб ўтади. Номзодлар орасидан энг муносиблари республика босқичига танлаб олинади.

З. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

**АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА
ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА САЙЛАНГАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2000 йил 22 октябрь куни Олий Мажлисга ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№	Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машуғулнинг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Йўлдошев Бехзод Содиқович	1945	Партиясиз	Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Президенти	Тошкент шаҳри	160-Паркент
2.	Латинова Гулноз Акрамовна	1965	Партиясиз	Гулистон шаҳри 4-мактаб директори	Гулистон шаҳри	128-Гулистон
3.	Олимжонов Бахтиёр Мамажонович	1949	Партиясиз	Сурхондарё вилояти ҳокими	Термиз шаҳри	141-Жарқўрғон
4.	Оттабоев Алишер Абдулжалилович	1947	Партиясиз	Фаргона вилояти ҳокими	Фаргона шаҳри	174-Бешарик
5.	Сайфиддинов Дзамшед Бадриддинович	1955	Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси	Иқтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахтабанк» бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	189-Сўх
6.	Юсупов Маҳмаджон	1954	Партиясиз	Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари	Тошкент шаҳри	171-Чиноз

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Н.КОМИЛОВ.

ПСКЕНТЛИКЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ ЗАФАРИ



Туман меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар

Туман пахтакорлари 9170 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 26 минг 100 тоннадан зиёд хом ашё сотдилар.

Пскентликларнинг давлат буюртмасини туман тарихида биринчи марта вилоятда биринчи бўлиб бажаришларида катта қувонч ҳўжаликларнинг ҳиссаси, айниқса, баракали бўлди. Чунончи, Навоий номили ширкат ҳўжалиги, Дўстбеков номили ташки бошқарув ҳўжалиги, «Пскент» ва Охунбобоев номили ширкат ҳўжаликла-

ри пахтакорлари умумий ҳирмонга 3200-4500 тоннадан ошириб юқори навли хом ашё тўқдилар.

Биринчи теримнинг ўзидаёқ далалардан йиллик режанинг 89 фоизи микдорда ҳосил йиғиштириб олиниб, ҳаммаси юқори навларга топширилди. Шунинг ўзидан олинadиган даромад 1 миллиард 200 миллион сўмдан ошадди.

Пскентлик пахтакорларнинг бу йил вилоятда биринчи бўлиб зафар қўнганлари бежиз эмас. Умуман олганда, туман меҳнаткашлари кейинги икки-уч йилдан бери барқарор мўл ҳосил етиштириб, режани пешқадамлар сафида урдаб келмоқдалар. Бундай илғорликнинг ўзига яраша омиллари бор, албатта.

(Давоми 2-бетда).

ШУ КУНЛАРДА вилоят пахтазорлари-ни қолган ҳосилдин тезроқ тозалаш ва ни айланган киши йиғим-теримга оммакузги шудгорни бошлаш тарадудини вий сафарбарлик кейинги кунларда янада кучайтолганини гувоҳи бўлади.

Ҳақиқатан ҳам ҳозир барча куч ва имкониятлар Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш тизимини тезроқ тўғалаш ва келаси йил ҳосили учун пухта замин яратишга қаратилган қарорини тўлатқиси бажаришга сафарбар этилмоқда.

Куни кеча давлатга пахта сотиш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган Пскент тумани энди далалар-

ни қолган ҳосилдин тезроқ тозалаш ва ни айланган киши йиғим-теримга оммакузги шудгорни бошлаш тарадудини

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг борнши тўғрисида шу йил 27 октябргача бўлган МА Ё Л У М О Т
(Фоиҳ ҳисобидa)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Пскент	0,38	99,74
Чиноз	0,66	97,91
Бўқа	0,70	93,38
Оққўрғон	1,25	87,55
Бекobod	1,01	84,93
Янгийўл	0,74	83,44
Уртачирчиқ	0,77	78,79
Юқоричирчиқ	1,09	72,55
Қуйичирчиқ	1,32	65,17

Вилоят бўйича 0,91 84,50

26 октябр куни вилоят пахтазорларидан 2496 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Шу кунгача тайёрланган умумий пахта эса 232 минг 362 тоннадан ошди. Бу йиллик режага нисбатан 84,50 фоизга тенгдир.

ЎЗБЕК САҲНАСИНING ДАРҒАСИ

Мамлакатимизда ўзбек театри равнақига улкан ҳисса қўшган бетақорор истеъод соҳиби. Ўзбекистон халқ артисти Аббор Ҳидоятлов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Бодий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган «Аббор Ҳидоятлов — ўзбек саҳнасининг дарғаси» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳам ана

шу санага бағишланди.

А. Ҳидоятлов барча ўзбек томошабинлари хотирасида энг аввало Отелло, Гамлет образларининг етук ижроси сифатида из қолдири. Бу роллар нафақат Аббор

Ҳидоятлов номини, балки бутун ўзбек театри довуруғи дунёга таратди. Устоз санъаткор Отелло ролини 18 йил мобайнида 500 марта ўйнади ва ҳар гол бу томошабин учун катта воқеа бўлар эди.

Тадбирда санъатшунос олимлар, таниқли артистлар сўзга чиқиб, саҳна дарғаси ўзининг буюк санъати билан миллий театр ривожига улкан ҳисса қўшгани, уни ҳақонга тоғитгани тўғрисида гапирдилар.

(ЎЗА).



БЕМИННАТ ЁРДАМ УЧУН ТАШАККУР, АЗИЗЛАР!

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида хабар қилганимиздек, бу йилги об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида юз берган қурғоқчилик туфайли халқ ҳўжалигининг айрим тармоқлари, айниқса, деҳқончиликда биринчи мураккабликлар юзга келди. Бу ҳол, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида кўпроқ сезилмоқда.

ВИЛОЯТИМИЗ меҳнаткашлари юз берган вазиятни ҳисобга олиб,

Қорақалпоқ халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни уларнинг қардошлиқ бурчлари деб билиб, зудлик билан амалий ишга киришган эдилар. Хусусан, «Янгийўл ё-мои» ҳиссадорлик жамаиати, «Лаззат» акционерлик жамаиати, «Конмит» ва «Айлин» қўшма корхоналари, «Вилоятматлубот-савдо», «Вилоятсавдо» акциядорлик компаниялари, «Ғазалкентконсерва», «Янги Тошкентконсерва», «Янгийўлконсерва» ҳиссадорлик жамаиатлари, Олмалиқдаги «Паллада Восток» корхонаси томонидан 3 тонна ўсимлик ёғи, 3 тонна ҳўжалик совуни, 4,5 тонна конфет, 4,5 тонна крекер печенье, 3 тонна ун, бир тонна шакар, 4 тонна макарон маҳсулотлари, бир тонна

чоӣ, 12 тонна мева-сабзавот консервалари жўнатилди.

Сабзавот етиштирувчи Охангарон, Бўстонлик, Қибрай, Зангиота, Тошкент ва Паркент туманлари 60 тонна картошка, 60 тонна пёз, 50 тоннадан зиёд мева маҳсулотлари етказиб бердилар. «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик компанияси Тошкент бўлими ва вилоят божхона бошқармаси ана шу юқларни тезда расмийлаштириш ва жўнатишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Қўрсатилган беҳминнат амалий ёрдам учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А. Тожиев имзоси билан Тошкент вилояти ҳокими номига қорақалпоқ халқининг миннатдорчилик мактуби келди. Унда шундай дейилади.

Тошкент вилояти ўзининг сўлим ва гўзал табияти билангина эмас, меҳмондўст, инсонпарвар, садоқатли одамлари, мана шундай мафтункор табиятини барпо қилган ва кўз қорачиғидай асрайдиган меҳнаткаш халқи билан бутун Марказий Осиё халқларининг ҳўжратини қозонган.

Вилоятимиз меҳнаткашларига, шаҳар ва туманлари аҳолисига, ҳўжалик ва корхоналар раҳбарлари, фермер ва деҳқонларига Қорақалпоғистон халқига қўрсатган беҳминнат ёрдамлари учун чуқур миннатдорчилик билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз.

Уйлайманки, халқларимиз ўртасидаги биродарлик, аҳилик ва қон-қариндошлик мангу давом этади. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона ишларингизда зафарлар тилайман.



«ГЎЗАЛ» АЁЛЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Қибрай шаҳарчасида хусусий тадбиркор Мўясар Солиеванинг ташаббуси ва савй-ҳаракатлари туфайли «Гўзал» тижув корхонаси иш бошлади.

Бу корхонада меҳнат қилаётган Мўясархонининг саккиз нафар дугоналари буюртма асосида кийим-кечақлар, дараза ва эшик пардаларини тикишни йўлга қўйишди.

Шунингдек, бу ерда тижувчилик касбини эгаллашга иштиёқманд ёшларни

ўқитиш курси ҳам ташкил этилди. Ўқув жараёнида ўқувчилар кийим-кечақларни бичиш ва тикиш технологиясини пухта эгаллайдилар. Шуниси қувончлики, курсни тугатган ёшлар корхонанинг ўзида ишлаш имконига ҳам эга бўладилар.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ.

УСТОЗ ВА ФАҲРИЙЛАР ҲУРМАТДА

Ангрендаги «Кўмиртехтранс» акциядорлик жамаиатида бу ерда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан, кексалигига қарамай, ҳозир ҳам жамоа сафидa фидокорона меҳнат қилаётган, ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатаётган мураббийлар алоҳида ҳурмат-эътиборда бўлади.

Улар вақти-вақти билан моддий рағбатлантирилиб турипти.

Яқинда корхонанинг 50 йиллиги муносабати билан фахрийлар учун катта дастурхон ёзилди. Унга 215 нафар устоз ва мураббий-

лар тақдиф этилди. Корхона номидан ҳар бир фахрий транспортга саккиз минг сўмдан пул, совға-салом берилди. Шу кунги санъаткорлар ҳам улар хизматида бўлдилар.

СОБИР ҲАМИДОВ.

ЧИРЧИКЛИКЛАРИНИНГ ФИКРН ЯҚДИЛ

Террорчи миллат танламайди. Шунинг учун ҳам унга қарши бутун дунё курашмоқда.

Чирчик шаҳридаги барча сиёсий партиялар, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ва бошқа жамағармалар, шу ерда истикомат қилаётган турли халқлар маданият марказлари вакиллари, масжидлар ва чекровларнинг дин арбоблари иштирок этган йиғилиш террорчилик ва диний экстремизмга қарши кураш масаласига бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари асосий эътиборни аҳолини ва айниқса, ёшларни

турли экстремистик гуруҳлар таъсирига берилишининг олдини олиш, реакцион ақидаларни тарғиб қилувчи бундай оқимларнинг кирдиқорларини кенг оммага тушунтиришда фаол иштирок этиш, бу муҳим ишда нодавлат жамоат ташкилотлари ва дин вакилларининг ҳамкорлигини ҳар томонлама кучайтириш зарурлигига қаратдилар.

М.СОБИРОВ.



(Давоми.
Боши 1-бетда).

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, туман ҳокимлиги, ҳўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари республика ҳукуматининг тегишли ва серхосил пахта навларини танлаб экиш ва айниқса, икки хилдан оширмаслик тўғрисидаги кўрсатмаларига оғишмай амал қилиб, кейинги йилларда «Тошкент-6» ва «Фаргона-3» навларини туманлаштирилди. Ушбу навларнинг ўзига хос агротехникаси барча ҳўжаликларда пухта ўзлаштирилди. Жумладан, бу йил 55 фоиз майдонга «Тошкент-6», 40 фоиз ерга «Фаргона-3», қолган беш фоиз майдонгагина тола чиқиси юқори ҳисобланган «Меҳр» ва «Омад» янги пахта навлари синаш учун экилди.

Иккинчидан, чигитни ҳам эрта, ҳам қисқа муддатда экиб олиш ҳосил тақдирини хал этувчи омил эканлигини пскентликлар бу йилги мавсумда яна бир бор амалда исботлашди. 28 мартда майдонларни танлаб экишга киришиб, 15 апрелгача тугатилгани туман бўйича тулик гектарлар ҳосил қилиш имконини берди. Шунга қарамай, тажрибали мутахассислар «аслида 25 мартдан кечикмай бошлаш керак экан, шунда кўчат янада тулик бўларди» деган хулосага келишди. Чўчки айрим майдонларда кўчат қалинлигини меъёрига етказиб олиш учун энгил чигит суви беришга тўғри келди.

Учинчидан, кўсақларнинг тўқ бўлиши ва эрта очилиши йиллик меъёрадаги маъданини ўнгитларни кечиктирмай, вақтда беришга боғлиқ эканлигини пскентликлар яхши билишди. Аммо тегишли ташкилотлар баъзан ўнгити вақтида етказиб беролмай қоладилар. Бунинг устига айрим ҳўжаликлар қўллари калтаклик қилиб, зарур пайтда ўнгити ташиб олиш учун маблағ тополмади. Шуни ҳисобга

ПСКЕНТЛИКЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ ЗАФАРИ

олган туман ҳокимлиги атрофдаги парандачилик фермаларидан товўк гўнги ташишни йўлга қўйди. Масалан, бу йил 6 минг тоннадан зиёд шундай гўнги ташиб келтирилиб, ҳўжаликларга расамади билан тарқатилди. Пахтакорлар уни фақат шарбат усулида гўза эгтарларига оқиздилар. Бу усул азотли ўнгитлар тақиллигининг ўрнини босди ва гўза дуркун ўсди. Хосилга ишлайдиган фосфорли ва калийли ўнгитларнинг эса белгиланган меъёрада берилиши таъминланди.

Этироф этиш керакки, туманда пахта тайёрлаш режасининг кейинги йиллар барқарор бажарилиб келинаётганининг асосий омили жамоа ҳўжаликларини ширкатларга айлантиришга жиддий киришилиб, оила пудрати ва чек тизимини тўла жорий этишга эришилганидир. Хар бир пудратчи оиланинг эрта қўламда ерни экишга тайёрлашдан бошлаб йғим-терим мавсуми охиригача қилган сарф-харажатлари ҳўжаликнинг молия-ҳисоб марказида алоҳида ҳисоб-китоб қилиб борилади. Топширган пахтаси ҳам алоҳида қайд этилади ва йил якунида хар бир пудратчининг даромади алоҳида ҳисоблаб чиқарилади. Демак, ким қандай ишласа, шунга яраша даромад олади, жамоа ҳўжалигидаги ушба меҳнат ҳам, даромад ҳам умумий бўлмайди. Пудрат усулини жорий этишдан мақсад ҳам шу. Қўлида чек дафтарчаси бўлган пудратчи сарф-харажати ўйлаб қилади, терим пайтида ҳам ўшёр туриб, топширган пахтасининг ҳисобини олиб боради, нави учун талашади. Хулоса қилиб айтганда, қанча кўп ва юқори навли пахта топширса, шунча кўп фойда қўришни тушунади ва зўр бериб ишлайди. Ишлаган эса кам бўлмайди.

Шу ўринда бир мисол келтирайлик. Хар бир ҳўжалик топширган пахтасига яраша пахта ёғи, шрот ва чигит шелухаси олади ва уларни оилавий пудратчиларга молия-ҳисоб марказида қайд этилган ҳиссасига қараб тақсимлайди. Айрим пудратчилар етиштирган пахтасига йил якунида 800 килограмм, ҳатто бир тоннагача пахта ёғи ва шунга яраша шрот ва шелуха олади. Маълумки, бу мақсулотларнинг ўндан бири ҳам ўз эҳтиёжи учун етиб ортади. Демак, қолганини сотиб, яхшигина даромад қўлади. Бу сотган пахтаси учун оладиган нақд пулидан ташқари, албатта.

Хуллас, пахта майдонлари оилавий пудратчиларга бўлиб берилиб, деҳқон-



ларнинг моддий манфаатдорлиги таъминлангани бу йил, айниқса, юксак самара берди. Юқорида таъкидланганидек, туманда хар қачонгидан ҳам мўл ва муҳими — эртаги ҳосил етиштирилди.

— Хосилнинг даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб деганларидек, бу йил йғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб, бор ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш учун қўшимча чора-тадбирлар қўрилди, — дейди туман кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Ҳушвақт Ширинов. — Терим бошланиши олдиндан ҳамма ҳўжаликларга мутахассислар юборилиб, хар бир картадаги гўзаларнинг остки, ўрта ва юқори қисмида очилган пахталардан алоҳида-алоҳида намуналар олинди ва тарозидан ўтказилиб, шу йўл билан туман бўйича ҳосил чўғи аниқлаб олинди. Бундан ташқари, машина терими учун ажратилган карталар ҳам олдиндан белгилаб чиқилди. Шу асосда машина ва қўл теримини уюш-

СУРАТЛАРДА: Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Облоёр Абдураҳмонов илгор бригада бошлиғи Карим Сиддиқов билан даладарда қолган ҳосил

чўғини чамаламақда; ҳўжаликнинг мавсумда энг кўп пахта терган аъзоларидан Алфия Иштуганова ва Ибодат Нурмухамедова. Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.

тириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, бутун мавсум давомида унга оғишмай амал қилинди.

Ҳақиқатан ҳам туманда йғим-теримга пухта режа ва аниқ мўлжал билан киришилди. Биринчи бўлиб оилавий пудратчиларнинг ўзи этак тутиб теримга тушдилар. Тез орада туман корхона, ташкилот ва муассасалари ходимлари ҳам ёрдамга чиқдилар. Кейинчалик Олмалик шаҳри ва Охангарон туманидан 8500 хашарчи етиб келди. Шундай қилиб қўл терими иштирокчилари сони 18 минг кишидан ошди.

Машина терими бошланганда, дастлаб 16та «Кейс» далага чиқарилди, кейин улар сафига яна бешта янги «Кейс» қўшилди. Шундан сўнг кунлик терим суръати кескин кўтарилди. Туман 3-4 кун давомида 5 фоиздан ошириб, Дустбеков номли, «Туркистон», Исладдин Ҳайдаров номли, Охунбобоев номли ҳўжаликлар эса 7-8 фоиздан пахта топширдилар. Шундай суръат билан теримни давом эттираётган пскентликлар ўзларидан олдинда бораётган туманларни бирин-кетин босиб ўта бошладилар. Лекин, афсуски...

— Терим мавсуми учун пухта ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ режани 8 октябрдан кечикмай бажариш имкониятига эга эдик, — дейди туман ҳокими Абдували Ғафуров. — Афсуски, қутилмаганда икки бора уч-тўрт кунлаб сурункали ёққан ёлғир жиддий панд берди. Яхшиямки, имкон борида отни жадал қамчилаб, маррага яқинлашиб қолган эдик. Бу пахтакорларимизга энгил руҳ, катта куч-ғайрат бағишлади. Ёғинсиз кунларда сафарбарликни сусайтирмай, теримни давом эттириб, режани урдалашга муваффақ бўлди. Лекин, энг асосий бурчимизни хали бажарганимиз йўқ. Вилоятимиз ҳам маррага тобора яқинлашиб келаяпти. Туманимиз меҳнаткашлари хотиржамликка берилмай, теримни давом эттиришмоқда. Эндиги мақсад, виллоятимиз галабасини ҳам тезлаштиришга баракали ҳисса қўшиш. Бунинг учун имкониятимиз етарли. Далаларимизда ҳосил ҳали сероб.

Пскентликлар эришган бу йилги ютуқнинг ўзига хос томони бор. Улар туман тарихида ҳеч қачон режани виллоятда биринчи бўлиб бажармаган эдилар. Деҳқоннинг кузи ниҳоятда оғир келган бу йилги шароитда шундай муҳим галабанинг қўлга киритилгани туман меҳнаткашлари учун янада қувончли, янада шарафлидир. Зеро, ишининг кўзини билиб, аниқ режа билан астойдил меҳнат қилган деҳқон мақсадига, албатта, эришади. Пскентликлар бу йил ана шундай меҳнат қилдилар. Давлатга топширилган жами пахтанинг 19 минг 600 тоннаси қўлда терилган бўлса, шундан 7000 тоннадан кўпрогини оилавий пудратчиларнинг ўзлари йғиштириб олдилар. «Кейс» бункеридан эса 6500 тоннадан зиёд хомашё тўқилди. Бу жами пахтанинг тўртдан бир қисмидир. Дарвоқе, машина теримининг нисбати жиҳатидан ҳам пскентликлар энг юқори ўринлардан бирини эгалладилар. Пахтани машина теримига мослаб ўстириш ҳам муваффақиятлар омили эканлиги шундан яққол кўриниб турибди.

Туман ҳокими таъкидлаганидек, пахтазорларда ҳали ҳосил мўл, терим ҳам жадал давом эттирилмоқда. Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган «2000 йил пахта ҳосилини йғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктирилб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қолган ҳосилни 15 ноябрдан кечиктирмай йғиштириб олиб, давлатга топшириш ва пахта майдонларини 15 декабргача сифатли шудгорлаб қўйиш чоралари қўрилмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

Бизга кўп ҳолларда корхона, ҳўжалик, ташкилот, кичик ва ўрта тадбиркорлардан турли идоралар томонидан текширувларнинг кўпайиб кетаётганлиги ҳақида шикоятлар ҳам келиб туради. Айни вақтда улар бундай текширувларни қамайтирса бўлмайди, деган савол билан мурожаат қиладилар. Ваҳоланки, мамлакатимизда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида махсус республика Кенгаши ва виллоятларда унинг ҳудудий комиссиялари мавжуддир. Мухбиримизнинг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент виллояти бўйича ҳудудий комиссияси котибаси Фарида Ёкубова Соатов билан қилган суҳбати ҳам айнан шу ҳусусда бўлди.

— Фарида Ёкубова, аввало, ана бир бор назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ва ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифаларини ҳақда улар қайси меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритишни тўғрисида тўтасанми?

— Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ҳўжалик субъектлари, ўрта ва кичик бизнес муассасаларини ўринсиз тафтиш қилиш ва текширишлар турли норозиликларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ўзларининг бир қатор маърузаларида бу борадаги ишларни тартибга солиш, уларнинг ҳўжалик фаолиятларига асоссиз аралашиларни чеклаш, текширувларни тартибга солиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдириб келмоқдалар. Мувофиқлаштирувчи кенгаш зиммасига ана шундай текширувларни амалдаги қонунчилик асосида ўтказишнинг таъминлаш, ўринсиз текширувлар сони ва кўлини қисқарттириш, бундай текширувларни илҳом борица комплекс тарзда ташкил этиш ва самарасини ошириш вазифалари юклатилган.

Кенгашнинг виллоят ҳудудий комиссияси жойларда ана шундай текширувларнинг меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилишига эришиш учун қатъий ҳаракатлар қилмоқда. Виллоят давлат солиқ бошқармасининг «Мувофиқлаштириш ва мониторинг бўлими» ҳудудий комиссиянинг ишчи органи сифатида бу тадбирларни ўз вақтида, бенуксон амалга оширилишида асосий ташкилотчи вазифасини бажармоқда. Комиссия биринчи навбатда ушбу маъсуляти тадбирнинг амалга оширилишида барча назорат идоралари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни, республика Президентининг «Ҳўжалик юритувчи субъектларини текшириш ташкил қилиш тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда

солиқ қўмитасининг бюртмаси асосида янги технологиялар илмий маркази томонидан «Республика текширишлар режа жадвали» дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур шаҳар ва туманлардаги комиссияларнинг ишчи органларига етказилиб, уни жорий қилиш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, жойларда мувофиқлаштириш масалалари мавзусида бир неча бор ўқув-семинарлар ўтказилди. Шаҳар ва туманлардаги ишчи комиссиялар, ҳудудий назорат идоралар ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда текширув объектлари бўйича таҳлиллар ўтказилди. Ўтган 1999 йил ва 2000 йил учун текширувлар режа жадвалларини тузишда ва бажарилишида йўл қўйилган нуксон-

ўтказилган санага алоҳида эътиборни қаратиб, муқаддам ҳамда келгуси текширувлар орасида қамиди бир йил муддат бўлиши таъминланмоқда. Албатта, бунда ҳўжалик субъектларида ўтказилган текшириш давомида аниқланган қамчирилган, маҳаллий бюджетлар билан лозим бўлган ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва белгиланган тартибда амалга оширилишига асосий мезон сифатида қаралмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эндиликда текширишлар режа лойиҳасини тузишда республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини тақомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ текширув

ишланса, шунчалик нўйрин текширувларга барҳам берилади. Республика давлат солиқ қўмитаси томонидан 2001 йилда текширилиши мўлжалланган 21 вазирларидида ўтказилган текширишлар, текширув муддатлари белгиланди. Айни пайтда ҳудудий ишчи комиссиялар жойлардаги назорат идоралари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар режа жадвалини ишлаб чиқиш ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш тартибига» мувофиқ келгуси йилга мўлжалланган текширишлар бўлимидаги тақлифларни белгиланган муддатларда виллоят комиссиясининг ишчи органига тақдим этишлари лозим.

Бўлимимизга виллоятдаги назорат идораларининг тақлифлари келиб тушмоқда. Биз уларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқмоқдамиз. «Ўздавстат»нинг Бекобод минтақавий стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази, «Ўзнефтогаз»нинг виллоят бўлими, авиасозлар саноат-қурилиш банки томонидан тақдим этилган тақлифлар амалдаги тартибга биноан тузилган бўлса, ер ресурслари бошқармаси, «Мақсулотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси» текширув объектларини белгилашда қатор ноаниқликларга йўл қўйганлар. Бу ана бир бор ишчи кўрсатмоқдаки, биз текширув режа лойиҳаларини ишлаб чиқишга жуда маъсуляти билан ёндашмоғимиз зарур.

Мен имкониятдан фойдаланиб, назорат идораларига ўз режа лойиҳаларини тайёрлашда бирон муаммо туғилса, тегишли маслаҳат зарур бўлса, мавжуд саволларга тўғри ва аниқ жавоб олишлари учун қўйидаги телефон рақамига мурожаат қилишлари тавсия этилмоқда:

137-54-49.

Ўйлаيمانки, виллоятимиздаги назорат идоралари 2001 йилги текширувлар режа жадвали лойиҳасини тузишда янада маъсуляти билан ёндашадилар ва ўз тақлифларини виллоят комиссиясига қўриб чиқиш ва республика Кенгаши тасдиғига тақдим этиш учун ўз вақтида етказадилар.

— Дарҳақиқат, бу жуда муҳим масала. Чўчки режалар қанчалик пухта ва мукамал

ТЕКШИРУВЛАР ҲАМ ҚОНУНГА БЎЙСУНАДИ

Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари зиммасига уларни тартибга солишдек маъсуляти таъминлаш юклатилган

қилмаслик ҳолатлари ҳам учирамоқда. Бундай нуксонлар комиссия йиғилишларида қўрилиб, тегишли чоралар белгиланмоқда. Бунинг натижаси ўларок 2000 йилнинг ўтган даврида 1999 йилнинг шу даврига нисбатан асоссиз ўтказилган текширувлар сони анча камайди. Лекин ҳали бунга бутунлай барҳам бериш учун кўп иш қилиниши лозим.

— Айтинг-чи, келгусида ўтказиладиган текширишлар режаси қачон, қай тартибда ишлаб чиқилади? Мувофиқлаштирувчи комиссия уларни тақомиллаштириш, янада пишиқ-пухта бўлишини таъминлаш учун нима қилмоқда?

— Жуда ўринли ва тўғри савол. Чўчки 2001 йилда ҳўжалик субъектлари фаолияти юзасидан ўтказиладиган текширувлар аниқ шу кунларда белгиланиб олинмоғи зарур. Виллоят комиссияси шу мақсадда келгуси йилги текширувлар режаси лойиҳасини тузиш жараёнига алоҳида маъсуляти билан ёндашмоқда. Давлат

объектларини танлаш мақсада мувофиқдир. Текширишлар режа жадвалини тузишда назорат идоралари томонидан ушбу қарор талабларига риоя этилиши 2001 йилда виллоятимиздаги ҳўжалик юритувчи субъектларининг текширилишини тартибга солиш, уларнинг сони қамайтириш, текширувчи назорат идоралари томонидан корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятларига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувларга чек қўйиш учун ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

— Демак, комиссия бу борадаги амалий ишларни бошлаб юборди. Шу ўринда жойлардаги назорат қилувчи органлар ўз режа ва тақлифларини тайёрлаш жараёнида тузилган баъзи муаммолар, масалалар, саволлар юзасидан кимга ва қачон мурожаат қилишлари мумкинлиги ҳақида ҳам тўтасанми?

— Дарҳақиқат, бу жуда муҳим масала. Чўчки режалар қанчалик пухта ва мукамал

БУЮК МУСАВВИР ҲАҚИДА РИСОЛА

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти Ориф Усмонов ва Абдумажид Мадрохимовнинг «Камолитдин Бехзод» рисоласини нашр этди. Шарқнинг буюк мусаввири таваллудининг 545 йиллигига бағишланган ушбу китобча Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тайёрланган.

Камолитдин Бехзоднинг бой, серкира ва бетакор ижоди дунёга машҳур. Буюк мусаввир ҳамда унинг нафис тасвирий санъат мактаби вакиллари томонидан яратилган аҳойиб миниатюраларда уша давр одамларининг руҳияти, расм-русумлари, маросимларида ташқари, XIV-XV асрларда кенг тарқалган миллий чолғу асбоблари, уларга хос ҳу-

сусиятларни учратиш мумкин. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдуллоҳ Хотийфий каби мутафаккирларнинг, Султон Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Шайбонийхон сингари тарихий шахсларнинг ҳақиқий тимсоллари ҳам фақат Бехзод асарлари орқали замонамизга етиб келган.

Рисолада Камолитдин Бехзоднинг тарҳиий ҳўли, ижодиётига, мусаввир яшаган даврга оид кўпгина қизиқарли маълумотлар тўплаган. (ЎЗА).

РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИККАТИГА!

«Тошкент телеком» акциядорлик жамияти қўйидагиларни маълум қилади: — Муқаддам қабул қилingan меъёрий-ҳўқуқий ҳўжатларда назорат қилинган ҳўмда корхоналарнинг меҳнат жамоалари ва эркин савдо учун мўлжалланган акциялар пакетлари тулик сотиб бўлинди;

— 1999 йил якунига кўра акциялар эгаларига дивидендлар ҳисоблаб чиқорилди ва тўланди;

— виллоят корхоналари ва маҳаллий шўъбалар бошқарув органлари тузилмаларини тақомиллаштириш, молиявий-иқтисодий ва ишлаб қичариш фаолияти даражасини тўбдан ошириш бўйича энг янги ўқсунлар ва технологиялар асосида техник воситаларни ривожлантириш ва модернизациялаш юзасидан муайян чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар;

— хорижий сармоядорлар билан ҳўсусан, қонунчиликда назорат қилинган, уларга акциялар пакетларини сотиш борасида омиқкорона ҳамкорлик ривожлантириляпти.

Эслатиб ўтамай! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 253-сонли қарорига мувофиқ «Тошкент телеком» акциядорлик жамияти акциялар пакетлари қўйидаги тартибда тақсимланади:

— давлат мўлки сифатида сақланадиган улўш — 80 %;

— эркин савдо учун мўлжалланган улўш — 15,3 %.

Диққат! Янгилик! Давлат мўлки бошқаруш қўмитаси органлари билан келишувга мувофиқ ва акциядорлар қарорига асосан мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва фуқаролари учун «Тошкент телеком» ОАЖ акцияларининг қўшимча пакетни эркин савдоси очилди (бир акция номинали 1000 сўм).

Телекоммуникация корхоналари акциялари — сармоягизнинг яқин ҳамда узоқ муддатларда самарали ва даромадли ишлатилишини кафолатловчи энг фойдали жойлаштирилишидир.

«Тошкент телеком» ОАЖ акцияларини харид қилинг.

Маълумотлар учун телефонлар: 54-36-91, 133-92-34.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17-А.

«Тошкент телеком» ОАЖ.

Босишга топшириш вақти - 20.00 Босишга топширилди - 20.20 1 2 3 4 5 6